Shu aziz VATAN — barchamizniki!

# OʻZBEKISTON OVOZI

• 2014-yil, 7-noyabr. Juma • 130 (31.877) Ijtimoiy-siyosiy gazeta • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan • www.uzbekistonovozi.uz

# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИГА

Ҳурматли дўстлар!

Аввало, сиз, азизларни, сизларнинг тимсолингизда юртимиздаги барча темирйўл ходимларини мамлакатимиз ҳаётидаги қутлуғ сана — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ташкил этилганининг 20 йиллиги билан чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Ўзбекистон темир йўллари ўзининг 20 йиллик тарихи давомида мураккаб шаклланиш ва жадал ривожланиш йўлини босиб ўтди ва бугунги кунда юртимизнинг барча минтақаларини ишончли боғлаш учун бамисоли қон томирлари каби ҳаётий зарур бўлган темир йўл транспорти коммуникацияларининг мустақил, ягона ва яхлит тизими сифатида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Агарки мана шундай темир йўллар бўлмаса, биз қандай ҳаёт кечиришимиз, иқтисодиётимизни қандай ривожлантириш мумкинлигини тасаввур қилишнинг ўзи ҳам қийин бўларди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз бўйича юкларнинг 60 фоиздан зиёди, йўловчиларнинг эса 75 фоиздан ортиғи темир йўл транспорти орқали ташилмоқда.

Ўзбекистон темир йўллари трансминтақавий транспорт коридорларининг энг муҳим бўғини сифатида халқаро темир йўллар ташуви тизимида муносиб ўрин эгалламоқда. Маълумки, қадим замонлардан бошлаб ҳозирги Ўзбекистон замини бўйлаб Буюк ипак йўли ўтган ва бу ҳудудда кўплаб савдо йўналишлари туташган, турли цивилизациялар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик алоқалари амалга оширилган. Бугунги кунда ҳам Ўзбекистон магистрал темир йўл тармоқлари орқали Шарқ ва Ғарб, Жануб ва Шимолни бирлаштирадиган салмоқли транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятига эга.

Мамлакатимизда темир йўл транспорт коммуникацияларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, темир йўл ташувларининг ишончлилик ва хавфсизлик даражасини ошириш бўйича «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси томонидан олиб борилаётган ишларни алоҳида қайд этиш зарур. Кейинги йилларда темирйўлчиларимизнинг куч-ғайрати билан 1 минг 100 километрдан зиёд янги темир йўл тармоқлари барпо этилди, 3 минг 800 километрлик йўл модернизация қилинди ва қайтадан ишга туширилди, қарийб 1000 километрлик темир йўл магистраллари электрлаштирилди. Ана шундай катта ишларимиз натижасида темир йўлларнинг умумий узунлиги 6 минг 500 километрга етди ва улар республикамизнинг барча минтақаларини қамраб олиш имконига эга бўлди.

Амударё узра автомобиль ва темир йўл қатнови учун мўлжалланган замонавий кўприкни ўз ичига олган Навоий-Учқудуқ-Нукус-Султон Увайстоғ ва Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизни узоқ истиқболни кўзлаган ҳолда, барқарор ривожлантириш йўлида стратегик аҳамиятга эгадир.

Япониянинг Халқаро ҳамкорлик банки иштирокида мураккаб табиий ва иқлим шароитларида барпо этилган, денгиз сатҳидан 1 минг 500 метр баландликда жойлашган тоғ довони орқали ўтадиган 223 километр узунликдаги Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон янги темир йўли моҳият эътибори билан Марказий Осиёда ўхшаши бўлмаган ноёб иншоот ҳисобланади.

Ҳозирги кунда Мароқанд-Қарши ва Қарши-Термиз темир йўл тармоқларини электрлаштириш борасидаги ишлар ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда.

Янги темир йўл магистралларининг ишга туширилиши мамлакатимизнинг шимолий ва жанубий минтақаларининг иқтисодий салоҳиятини янада ривожлантириш, минерал ресурслар, нефть ва газ, рангли металлар, қурилиш материаллари ва бошқа қимматбаҳо фойдали қазилмаларнинг бой конларини комплекс ўзлаштириш учун, ҳеч шубҳасиз, катта имкониятлар очади. Бу эса ўз навбатида янги иш ўринларини шакллантириш, шу асосда аҳоли бандлигини таъминлаш, одамларимизнинг даромадлари ва моддий фаровонлигини ошириш учун шароит яратишга қандай муҳим ҳисса қўшишини, ўйлайманки, изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Биз транспорт коммуникация соҳасидаги яна бир йирик иншоот, яъни, 19 километрлик темир йўл тоннелини ўз ичига оладиган Ангрен-Поп йўналишидаги янги электрлаштирилган темир йўл тармоғини хитойлик ҳамкорларимиз билан биргаликда барпо этишга катта истиқболга эга бўлган муҳим лойиҳа сифатида қарамоқдамиз.

Ушбу темир йўл тармоғининг 2016 йил июль ойида ишга туширилиши Фарғона водийси вилоятларини Ўзбекистоннинг марказий қисми билан ишончли тарзда боғлашга имкон яратади, республикамизнинг бутун ҳудуди бўйлаб ягона темир йўл транспорт тизимини шакллантириш борасидаги ишларни якунига етказади, Хитой – Марказий Осиё – Европа янги халқаро транзит темир йўл коридорининг энг муҳим бўғини бўлиб хизмат қилади.

Транспорт хизматларининг даражаси ва сифатини ошириш-да темир йўл паркининг ҳаракатланадиган таркибини энг замонавий, юксак самарали локомотивлар ва ҳар томонлама қулай вагонлар билан янгилаш бўйича ишлар ўта муҳим аҳамият касб этади. Фақатгина сўнгги ўн йилда 38 та замонавий электровоз ва 10 та йўловчи ташиш тепловози сотиб олинди, 150 та локомотив модернизация қилинди.

Испаниянинг «Талго» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, замонавий, юқори тезликда ҳаракатланадиган «Афросиёб» электропоезди Ўзбекистоннинг ғурур-ифтихори ҳисобланади. Шуни айтиш жоизки, бундай поездлар дунёнинг атиги саккизта мамлакатида мавжуд. Бугунги кунда ушбу поезд ҳар куни Тошкент-Самарқанд-Тошкент йўналиши бўйича 344 километрлик масофани бор-йўғи икки соатда босиб ўтмоқда. Бу эса одамларимизнинг ана шу транспорт турига бўлган муносабати ва қарашларини тубдан ўзгартирмоқда.

Юртимизда 11 та янги темир йўл вокзали барпо этилиши ва 7 та вокзалнинг реконструкция қилиниши натижасида улар бутунлай янгича қиёфа касб этди. Мазкур вокзаллар йўловчиларга энг юқори халқаро стандарт ва талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини берадиган замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланганини қайд этиш лозим.

Ўтган йиллар мобайнида темир йўл транспорти коммуникацияларини ривожлантириш ва тегишли инфратузилмаларни ободонлаштиришга 6 миллиард доллардан ортиқ капитал қўйилмалар, жумладан, 1,8 миллиард долларлик хорижий инвестициялар йўналтирилди.

Компаниянинг йўл хўжалиги, «Ўзтемирйўлйўловчи» очиқ акциядорлик жамияти йўловчилар ташиш бўлинмаси ва «Ўзтемирйўлконтейнер» юк ташиш тузилмаси, шунингдек, қурилиш ташкилотлари ва бошқа таркибий қисмлари мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантириш ва унинг самарали фаолият кўрсатишига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Компания ташкил этилган кундан буён юк ташишлар 1,5 баробар, йўловчи ташиш эса 1,3 баробар кўпайгани, темир йўллар орқали 1 миллиард 400 миллион тонна юк ташилгани ва 350 миллион йўловчи ўз манзилига етказилгани унинг салоҳияти ва имкониятлари тобора кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда темир йўл тармоғининг жадал ривожланаётган, юксак технологияларга асосланган Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи, Қувов-механика заводи, «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонаси каби саноат корхоналари ҳақли равишда компаниянинг байроқдорлари ва ифтихори ҳисобланади. Улар Европа мамлакатлари, Япония, Жанубий Корея давлатлари ва бошқа етакчи хорижий компанияларнинг замонавий асбоб-ускуналари ва янги авлод технологик тармоқлари билан жиҳозланганини айниқса эътиборлидир.

Мазкур корхоналарда локомотив ва йўловчи вагонларини таъмирлаш, модернизация қилиш ва қайта жиҳозлашдан ташқари, қисқа вақт ичида ўзимизнинг вагонсозлик саноатимизга муваффақиятли асос солинди ва бу ерда 2,5 мингта юк ва 150 та янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 та йўловчи вагонлари модернизация қилинди.

Ўз таркибида юқори малакали 70 минг нафар инженер-техник ходимлар ва мутахассисларни, йўлсозлар, машинистлар, саноат ва қурилиш корхоналари, ижтимоий инфратузилма объектларининг ишчи ва хизматчиларини бирлаштирган аҳил меҳнат жамоаси компаниянинг бебаҳо бойлиги, олтин фонди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сизларнинг фидокорона меҳнатингиз, билим ва тажрибангиз халқимиз орасида юксак обрў-эътиборга эга бўлиб, ҳар томонлама ҳурмат ва эҳтиромга муносибдир.

Барчамизга аёнки, компаниянинг, бутун темирйўл тармоғининг келажаги аввало соҳага замонавий билимга эга, илғор технологияларни пухта ўзлаштирган, ўз касбига содиқ, Ватанимизга фарзандлик меҳри билан яшайдиган ёш мутахассис ва ишчиларни кенг жалб этиш билан бевосита боғлиқдир. Юртимиздаги олтита касб-ҳунар коллежи ва Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари институтини ҳар йили уч мингдан зиёд ёш мутахассислар аниқ касб йўналиши бўйича битириб чиқиб, ҳаётга йўлланма олаётгани мамлакатимиз темирйўл транспортининг келгуси тараққиёти учун ишончли пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда. Бугунги кунда темирйўлчилик касби мамлакатимизда ёшлар ўртасида қизиқиш ва талаб энг катта бўлган, шарафли касбга айланганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Азиз дўстлар!

Сизларни бугунги қутлуғ айём билан яна бир бор чин қалбимдан табриклаб, фидокорона меҳнатингиз, Ватанимиз равнақи ва фаровонлигига қўшаётган муносиб ҳиссангиз учун самимий миннатдорлик билдириб, барчангизга ўзимнинг чуқур ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этаман. Сизларга ва оилаларингизга тинчлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, эзгу ишларингизда янги-янги муваффақиятлар ёр бўлишини тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## 2014 йил 5 ноябрь куни пойтахтимиз Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VIII қурултойи бўлиб ўтди













# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

## аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришни янги босқичга кўтариш тарафдоридир

**Қурултойда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия ташкилотларининг конференцияларида 400 мингга яқин партия аъзоси номидан сайланган 150 нафар делегат иштирок этди. Шунингдек, партиянинг давлат ва жамоат ташкилотларида меҳнат қилаётган фаоллари, экспертлари, туман ва шаҳар кенгашлари раислари, бошланғич ташкилотлари, «Фаол аёллар» ва «Истиқбол» ёшлар қанотлари етакчилари қатнашди.**

**Қурултойда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши раиси Ҳотамжон КЕТМОНОВ партиянинг ўтган беш йилдаги фаолиятини таҳлил этди. Партия етакчисининг маърузасида партия ташкилотлари ҳамда депутатлик тузилмалари қўлга киритган ютуқлар эътироф этилиб, йўл қўйилган камчиликлар танқид қилинди. Истиқболда партия олдида турган стратегик вазифалар илгари сурилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловларда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фаол иштирокини таъминлаш билан боғлиқ устувор йўналишлар белгилаб олинди.**

— Партия босиб ўтган йўлни таҳлил этар эканмиз, бугунги Ўзбекистон ХДП бундан беш йил олдинги партия эмас, балки, ўз сафини тобора кенгайтириб бораётган, фаол фуқаролик позициясига эга бўлган аъзоларни бирлаштирган, мамлакатнинг барча туман ва қишлоқларини қамраб олган кучли партиявий тизимга, Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташаббускор фракцияга ҳамда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларида энг кўп депутатлик ўринларига эга бўлган ва айнан шу туфайли давлат ҳамда жамият ишларини бошқаришда сезиларли таъсир кўрсата оладиган сиёсий кучга айланганини кўрамиз, — деди Ҳ.Кетмонов.



Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг VIII қурултойида иштирок этган 8 нафар Ўзбекистон Қаҳрамони партиянинг энг фаол аъзолари ҳисобланади.



Таъкидландики, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг амалга оширилиши «Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилини босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этиш механизмини янада ривожлантирди, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялашнинг сифат жиҳатдан янги босқичини бошлаб берди. Концепцияга асосан қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар мамлакатимизда олиб борилаётган конституциявий ислоҳотларни сезиларли даражада чуқурлаштиргани, Олий Мажлиснинг ҳуқуқлари ҳамда ваколатлари янада кенгайиб, Вазирлар Маҳкамасининг, умуман, ижро этувчи органларнинг жавобгарлиги ошгани, жамоатчилик ва парламент назоратини кучайтиришга доир меъёрлар қонунда ўз аксини топгани биз учун муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шундан келиб чиқиб, партия ўзининг сайловолди дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва демократик модернизациялашнинг энг муҳим йўналишларини амалга оширишда иштирокини таъминлаш бўйича 2010-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурини қабул қилди.

Мунтазам равишда партия электорати ижтимоий таркиби ва узоқ муддатли ижтимоий манфаатларига оид долзарб масалалар ўрганиб борилди. Ушбу таҳлилларга асосланиб ҳамда аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш, электорат манфаатларини муносиб ҳимоя қилиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларидан келиб чиқиб, партия томонидан қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди.

Бу борада «Маҳалла — аҳолини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлаш маркази», «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови», «Коллеждан-корхонага» каби лойиҳалар амалга оширилди.

Аҳолининг кам даромадли, ишга лаёқатли қатламларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, тижорат банклари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда ўтказилган иқтисодий форумлар доирасида 1,5 мингга яқин кам даромадли оила ўз ишини очишида имтиёзли микрокредитлар олиш учун тижорат банкларининг сертификатларини қўлга киритди. 3000 нафарга яқин партия электорати вакилига ишга жойлашишида амалий ёрдам берилди.

Партия «Фаол аёллар» қаноти томонидан амалга оширилган «Аёллар бандлиги — обод турмуш гарови» лойиҳаси хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни касаначилик меҳнатига жалб қилиш масалаларини ўрганишга қаратилди.

Бугунги кунда партиямиз аъзоларининг 45,1 фоизи, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги депутатларимизнинг 27,5 фоизи, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги депутатларнинг 14,8 фоизи, туман ва шаҳар Кенгашларидаги депутатларимизнинг эса 19 фоизини аёллар ташкил этади. Хотин-қизлар манфаатлари билан боғлиқ масалаларни ўрганиш ҳамда ҳал этишда уларнинг иштироки муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда.

► Давоми 3-бетда.

● 2014-yil, 7-noyabr. Juma ● 130 (31.877)-son
www.uzbekistonovozi.uz

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз темирйўлчилар!

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# «ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ» ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИНИНГ 20 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БИР ГУРУҲ ХОДИМЛАРНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, темир йўл транспорти тизимини замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳадаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ишларига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ТРАНСПОРТ ХОДИМИ»

**Жўраев Олим Авлаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қарши темир йўл таъмирлаш корхонаси кран машинисти, Қашқадарё вилояти

**Изенов Жиенбай Жанабаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўнғирот локомотив депоси тепловоз машинисти, Қорақалпоғистон Республикаси

**Раззоқов Отаназар Маматович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 17-йўл қурилиши машина станцияси йўл таъмирловчиси, Бухоро вилояти

**Салиев Хикматилло Насирович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг алоқа ва сигналлаштириш маркази бош муҳандиси

### «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН САНОАТ ХОДИМИ»

**Муминов Сабир Каримович** — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонаси қуюв цехи эритувчиси, Тошкент шаҳри

**Назиров Орифжон Халимович** — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Андижон механика заводи» шўъба корхонаси цех бошлиғи, Андижон вилояти

Республикамиз темир йўл транспорти тизимидаги кўп йиллик фидокорона меҳнати, тармоқнинг барқарор ва самарали ишлашини таъминлаш, соҳага илғор технологияларни жорий қилиш ҳамда янги темир йўлларни барпо этиш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

### «ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН

**Алимов Забибулло Махмуджонович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ховос» тиклаш поезди устаси, Сирдарё вилояти

**Нарзуллаев Зуфар Ғиясович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг капитал қурилиш дирекцияси бошлиғи

**Шержонов Холмурот** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Урганч темир йўл масофаси катта йўл устаси, Хоразм вилояти

### «МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Акбаров Усмонжон Джурабаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қарши локомотив депоси тепловоз машинисти, Қашқадарё вилояти

**Деваров Шариф Бабаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Термиз минтақавий темир йўл узели тиклаш поезди бошлиғи, Сурхондарё вилояти

**Магазов Анвар Мелиевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси «Кўприк қурилиш тресті» унитар корхонаси бошқарувчисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

**Мелибаев Бобирмирзо Мамиржанович** — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Андижон механика заводи» шўъба корхонаси директори, Андижон вилояти

**Рахматуллаев Абдуллажон Мамажанович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Учқўрғон станцияси йўл таъмирловчиси, Наманган вилояти

**Эгамназаров Абдусаттор Ниёзбоевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Жиззах темир йўл масофаси йўл таъмирловчиси, Жиззах вилояти

**Юлдашев Мухаммад Эргашевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўқон локомотив депоси тепловоз машинисти, Фарғона вилояти

### «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдуллаева Фируза Каримовна** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси молия ва бухгалтерия ҳисоби бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Акбаров Адхамжон Абдуллаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўқон темир йўл масофаси бошлиғи, Фарғона вилояти

**Астанов Уткир Султанович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзтемирйўлконтейнер» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси

**Данияров Мелибай Холикович** — «Ўзтемирйўлқурилишмонтаж» унитар корхонасининг гидротехник иншоотлар қурилиши дирекцияси техникаларни таъмирлаш устахонаси чилангари

**Исматуллаев Шерзод Шухратуллаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

**Каримова Фируза Фузаиловна** — Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг ўқув ишлари бўйича проректори

**Нурмухамедов Жаҳонгир Толаниддинович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қарши минтақавий темир йўл узели бошлиғи, Қашқадарё вилояти

**Рабимов Тошкуват Шодиярович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Самарқанд темир йўл масофаси кўприк қурилиш бригадаси устаси, Самарқанд вилояти

**Реимов Парахат Базарбаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Қўнғирот минтақавий темир йўл узели йўл таъмирловчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сулайманов Мамуржон Мадаминович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг электр таъминоти маркази бошлиғи

**Цой Гром Григорьевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Боштранслойиҳа» очиқ акциядорлик жамияти темир йўлларни лойиҳалаш бўлими бошлиғи

### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Садиков Шухрат Махаматсидикович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг ўринбосари

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Азимов Рахматжон Махмуджонович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Ўзбекистон» локомотив депоси «Афросиёб» электропоезди машинисти, Тошкент вилояти

**Закиров Абдукахор Рахимбердиевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Тошкент йўловчи вагонларни қуриш ва таъмирлаш заводи» очиқ акциядорлик жамияти чилангари, Тошкент шаҳри

**Мирзакулов Ёдгор Тургунович** — «Ўзтемирйўлмаштаъмир» унитар корхонасининг «Қуюв-механика заводи» шўъба корхонаси механика-йиғув цехи токари, Тошкент шаҳри

**Мирзахмедов Камолиддин Учқунович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Кўприк қурилиш трести» унитар корхонаси 13-кўприк қурилиш отряди бошлиғи, Тошкент шаҳри

**Мухторов Зафар Сафарович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Бухоро алоқа ва ишорат масофаси катта электромеханиги, Бухоро вилояти

**Рузиев Расулжон Санатиллаевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Тоштемирйўллойиҳа» масъулияти чекланган жамияти бош муҳандиси

**Рузимурадов Мавлиддин Назарович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Тинчлик» локомотив депоси тайёрлов цехи катта устаси, Навоий вилояти

**Сапаев Абдишарип Каримович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Урганч алоқа ва ишорат масофаси электромеханиги, Хоразм вилояти

**Сапарбаев Оралбай Кошмуратович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «1-энергомонтаж поезди» унитар корхонаси устаси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Сондибоев Тохир Абдуғаниевич** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг махсус механизациялашган йўл станцияси бош муҳандиси

**Усманов Гуламжон Якубжанович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг «Йўлрефтранс» акциядорлик жамияти устаси, Сирдарё вилояти

**Шайманов Абсахат Бозорович** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг Термиз темир йўл масофаси йўл таъмирловчиси, Сурхондарё вилояти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2014 йил 5 ноябрь*



# Самарадорлик, ишончлилик, хавфсизлик

**«Туркистон» саройида 6 ноябрь куни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси жамоасига табригини компания раиси О.Раматов ўқиб эшиттирди.

Тадбирда мустақиллик йилларида давлатимиз раҳбари раҳнамолигида Ўзбекистон транспорт тизимини изчил ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Соҳада кенг кўламли ислоҳотлар ҳаётга татбиқ этилиб, улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда, йўловчилар сони ва юк ташиш ҳажми тобора ошиб бормоқда. Бу борада темир йўллар муҳим ўрин тутмоқда. Зеро, мамлакатимизда ташилаётган юкларнинг катта қисми айнан ушбу тармоқ улушига тўғри келади. Катта ҳажмда юк ташиш имконияти, об-ҳаво шароитидан қатъи назар, барқарор ва узлуксиз фаолият юритиши мазкур транспорт турининг асосий устунликларидандир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 1994 йил 7 ноябрда қабул қилинган фармонига мувофиқ ташкил этилган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси темир йўл тармоғини жадал ривожлантиришга улкан ҳисса қўшмоқда. Бугун ушбу компания мамлакатимизда темир йўл транспортининг барча соҳаларида юқори малакали кадрлар, улкан илмий ва моддий-техник база, лойиҳа ва қурилиш қувватлари ҳамда катта халқаро ҳамкорлик тажрибасига эга энг йирик компания ҳисобланади. Нафақат янги магистрал ва вокзаллар бунёд этиш, мавжуд темир йўл тармоқларини модернизация қилиш, балки электровозлар паркини янгилаш, янги йўналишлар ташкил этиш ва бошқа вазифалар компания фаолиятининг устувор йўналишларидандир.

**Сўнгги 10 йилда компания томонидан 15 йўловчи, 12 юк ва йўловчи, 11 юк ташувчи электровозлар ва 10 йўловчи ташиш тепловозлари сотиб олинди.**

Навоий-Учқудуқ-Нукус-Султон Увайстоғ янги темир йўл линиясининг қурилиши «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси томонидан амалга оширилган энг йирик лойиҳалардан биридир. Ушбу янги линиянинг ишга туширилиши нафақат табиий бой минерал захиралардан фойдаланиш, қўшни мамлакатлар ҳудудини айланиб ўтадиган транспорт харажатларини камайтириш, балки фуқароларимиз фаровонлигини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Амударёда маҳобатли кўприкнинг бунёд этилиши эса мамлакатимиз темир йўл тизимини ривожлантиришда, айниқса, муҳим лойиҳа бўлди. Ушбу улкан муҳандислик иншооти Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларини, хусусан, пойтахтимиз билан боғлаб, ўртадаги масофани сезиларли даражада қисқартириш имконини берди. Узунлиги қарийб 700 метр бўлган ушбу кўприк Урганч-Тошкент йўналиши бўйича қатнайдиган поездлар ҳаракати вақтини 5,5 соат, масофани 300 километрга қисқартирди.

Компания йўловчиларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида Тошкентдан Самарқанд, Бухоро ва Қарши шаҳарларига «Шарқ» ҳамда «Насаф» тезюрар поездлари қатновини йўлга қўйди. Бундан ташқари, 11 янги вокзал бунёд этилиб, 7 темир йўл вокзали реконструкция қилинди. Замонавий техникалар билан таъминланган бу вокзаллар йўловчиларга халқаро талаблар даражасида хизмат кўрсатиш имконини бермоқда. Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари ўртасида қатнаётган юқори тезликда ҳаракатланувчи «Афросиёб» поезди мамлакатимизда транспорт хизмати кўрсатиш сифатини янада оширишга хизмат қилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси мамлакатимиз локомотив хўжалигини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Истиқлол йилларида соҳада улкан ўзгаришлар рўй берди. Катта ҳажмдаги юкларни кам маблағ сарфлаган ҳолда ташиш имконини берадиган янги юк электровозлари харид қилинди. Жумладан, сўнгги 10 йилда компания томонидан 15 йўловчи, 12 юк ва йўловчи, 11 юк ташувчи электровозлар ва 10 йўловчи ташиш тепловозлари сотиб олинди.

Шу билан бирга, вагонлар парки ҳам сезиларли даражада янгиланди. Бу эса мамлакатимиз темир йўл соҳасида улкан тараққиётга эришётганидан далолат беради. Тошкент йўловчи вагонлар қуриш ва таъмирлаш заводи бу борада амалга оширилаётган ишларга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бу ерда халқаро сифат стандартларига жавоб берадиган қулай ва шинам йўловчи вагонлари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтга қадар завод томонидан 120 янги йўловчи вагонлари ишлаб чиқарилди, 735 вагон модернизация қилинди.

Яқинда реконструкция қилинган Қуюв-механика заводи вагонлар паркини тўлдиришни таъминламоқда. Йилига 26,5 минг тонна қуйма маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга ушбу заводда айни пайтда 167 турдаги саноат маҳсулотлари тайёрлаш маҳаллийлаштирилди.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси маълумотларига кўра, бугунги кунда Ангрен-Поп электрлаштирилган темир йўл қурилишини якунлаш орқали Ўзбекистон Республикасининг яхлит, мустақил темир йўл тузилмасини шакллантириш компания фаолиятининг энг муҳим вазифаларидандир. Ушбу лойиҳа доирасида узунлиги 19 километрлик темир йўл туннелини қуриш кўзда тутилган.

Айни пайтда ушбу лойиҳани амалга ошириш доирасида 35,5 миллион куб метрлик тупроқ ишлари амалга оширилиб, 204 иншоот, 11 кўприк, 3 йўл ўтказгич барпо этилиб, 82 километрлик темир йўл линияси қуриб битказилди. Туннел асосий қисмининг 5,5 минг метр узунликдаги участкасида қазиш ишлари, 1,4 минг метрдан ортиқ масофадаги участкада эса пардозлаш ишлари амалга оширилди.




Бу ишларга энг замонавий темир йўл техникаларининг жалб этилгани темир йўл соҳасини жадал ривожлантириш, кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш имконини бераётир. Шундай мураккаб ишда ўз касбига меҳр қўйиб, фидокорона меҳнат қилаётган инсонлар муҳим ўрин тутмоқда. «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги ўз ҳаётини темир йўл соҳасини ривожлантиришга бахш этган 70 мингдан зиёд ишчи-хизматчиларнинг байрамидир.

Уларнинг фидокорона меҳнати давлатимиз томонидан муносиб баҳоланмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2014 йил 5 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 20 йиллиги муносабати билан бир гуруҳ ходимларни мукофотлаш тўғрисида»ги фармонига мувофиқ, мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтириш, темир йўл транспорти тизимини замон талаблари асосида ривожлантириш, соҳадаги ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун соҳанинг бир гуруҳ ходимлари давлатимизнинг юксак мукофотларига лойиқ кўрилди. Тадбирда уларга Ватанимизнинг ушбу юксак мукофотлари топширилди.

Мукофотланганлар номидан сўзга чиққан Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтининг ўқув ишлари бўйича проректори Ф.Каримова ва «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг алоқа ва сигналлаштириш маркази бош муҳандиси Ҳикматилло Солиев Президентимиз Ислом Каримовга соҳа ходимларига қаратаётган алоҳида эътибори ва ғамхўрлиги учун миннатдорлик билдирди.

— Мен учун бугун энг қувончли ва бахтли кундир, — дейди Ҳ.Солиев. — Давлатимиз раҳбарининг фармонига биноан Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган транспорт ходими унвони билан тақдирландим. Камтарона меҳнатим мана шундай юксак мукофотга муносиб кўрилгани мен учун катта шарафдир. Давлатимиз раҳбари томонидан темир йўл транспорти ходимларига қаратилаётган бундай эътибор ва ғамхўрлик бизни Ватанимиз равнақи ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтириш йўлида бор куч-ғайратимизни сафарбар этишга ундайди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, Ўзбекистон халқ шоири И.Мирзо темирйўлчиларни ушбу сана билан табриклади.

Тантанали тадбир санъат усталари ва ёш ижрочилар иштирокидаги байрам концерти билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА,**
**ЎзА мухбири.**

O`ZBEKISTON OVOZI
2014-yil, 7-noyabr. Juma • 130 (31.877)-son
www.uzbekistonovozi.uz



# Ўзбекистон Халқ демократик партияси

## аҳолининг манзилли ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришни янги босқичга кўтариш тарафдоридир

Ҳисобот даврида партиямизнинг «Истиқбол» ёшлар қаноти фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳам партияга аъзо бўлган ёшлар манфаатлари ва интилишларини амалга ошириш учун имконият яратиш, ижтимоий лойиҳа ва ташаббусларни қўллаб-қувватлаш орқали уларда фаол фуқаролик қарашларини, дахлдорлик ҳиссини шакллантиришга қаратилди.

Шу боис ЎзХДП ташкилотларида сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан фаол, ислоҳотлар моҳиятини чуқур англайдиган, бу жараёнларда муносиб иштирок этаётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда партия аъзоларининг қарийб 33 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этмоқда...

Партия раҳбари ўз маърузасида бошланғич ташкилотлар фаолияти ҳақида ҳам алоҳида тўхталди. Бугунги кунда 10 мингга яқин бошланғич партия ташкилотлари 400 мингга яқин аъзони бирлаштирган, — деди у. — Ўтган давр давомида бошланғич ташкилотлар таркибини мустаҳкамлаш, аъзолар сонини кўпайтириш, етакчилар фаолиятини жонлантириш ишларига жиддий эътибор қаратилди. Натижада ўтган беш йил давомида 70 минг нафардан ортиқ киши партияга қабул қилинди. Аъзоларимизнинг табиий ўсиши 26 минг нафарни ташкил этди.

Шунингдек. маърузада қайд этилдики, ўтган давр мобайнида партиямиз томонидан жойларда электорат манфаатларини ҳимоя қилиш, унинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга асосий эътибор қаратилди. Бунда партия тизимида ташкил этилган Жамоатчилик қабулхоналари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Маълумотларга кўра, Жамоатчилик қабулхоналарига ўтган беш йил давомида 45 мингга яқин фуқаро мурожаат қилиб, уларнинг 74 фоизида кўтарилган масалаларни ижобий ҳал этишда амалий ёрдам кўрсатилди.

2009 йилги сайловлардан кейинги ўтган давр мобайнида маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари томонидан жойларда озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш, ишлаб чиқариш корхоналарини янги технологиялар билан таъминлаш ҳисобига янги иш ўринлари яратиш, аҳоли яшаш пунктларида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, уй-жой-коммунал хизматлар сифатини ошириш борасида қатор масалалар кўриб чиқилди. Партия гуруҳларимиз томонидан жами 635 та масала ўрганилди. 365 та масала тегишли вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларининг доимий комиссияларида кўриб чиқиш учун киритилган бўлса, 275 та масала сессияларда муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, жойларда партия гуруҳлари ташаббуси билан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида тегишли масалалар юзасидан 50 га яқин мансабдор шахснинг ҳисоботлари эшитилди.

Шу билан бирга, партия раҳбари аксарият ҳокимият вакиллик органларида партиямиз йирик депутатлик ўрнига эга бўла туриб, айрим маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз жойларда қонунлар, электорат манфаатларини ифода этувчи Президент фармонлари, давлатнинг бошқа қарорлари бажарилиши устидан депутатлик назоратини ўрнатиш, долзарб ижтимоий масалаларни ўрганиш ва ҳал этиш мақсадида мансабдор шахсларга депутатлик сўрови юбориш ҳуқуқларидан етарли даражада фойдалана олмаганини таъкидлади. Ўтган даврда йўл қўйган бу каби хато ҳамда камчиликларимиздан сабоқ чиқариб олмоғимиз керак.

Биз сайлов кампаниясига киришар эканмиз, ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя каби халқ демократияси тамойилларига амал қилган ҳолда, давлат ҳокимиятининг сайланма органларида давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя ва қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд, касбий малака, доимий иш жойи ва маошга эга бўлмаган ёлланма ишчилар, иқтисодиётда банд бўлмаган аммо меҳнатга лаёқатли аҳоли, ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишилар, пенсионерлар, ногиронлар, кам таъминланган оилалар манфаатларини ҳимоя қилишни мақсад қилганмиз.

Иккинчидан, **партиямиз иқтисодий ислоҳотларга – ижтимоий самарадорлик** шиори остида бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган ва энг аввало жамият манфаатларига қаратилган бўлиши, меҳнатга лаёқатли аҳолининг муносиб ҳақ тўланадиган ишга эга бўлиши, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва тадбиркорлигини рағбатлантириш, мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларнинг иш ўринларига эга бўлишлари учун адолатли, тенг шарт-шароитларни яратиш, пенсионерлар, меҳнатга лаёқатсиз аҳоли, меҳнат қила олмайдиган бошқа ижтимоий гуруҳлар ҳаётий эҳтиёжларини тўлақонли қондиришни кафолатловчи пенсия таъминоти ва ижтимоий нафақаларнинг янада самарали тизимини вужудга келтириш, иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий сиёсатни олиб боришда давлатнинг тартибга солувчилик ролини мустаҳкамлаш лозим, деб ҳисоблайди.

Учинчидан, Ўзбекистон ХДП мамлакатимизда иш ўринлари ташкил этиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлик даражасини ошириш, банд бўлмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли, жумладан ёшлар, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари билан таъминлаш, бандлик дастурларининг асосий параметрларини ишлаб чиқишда фаол қатнашиш ва уларнинг жойларда ижро этилиши устидан самарали парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш бўйича вазифаларни белгиламоқда.

Маърузада, шунингдек, аҳолининг кам таъминланган қатламлари ва ишга жойлашишда қийинчиликларга дуч келаётган кишиларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш мақсадида электорат вакиллари учун микрокредитлаш ва микромолиялаш тизимини янада ривожлантириш, ногирон ва ёлғиз кексаларга моддий ёрдам бериш имкониятларини кенгайтиришнинг меъёрий асосларини ишлаб чиқиш ҳамда электорат манфаати билан боғлиқ бошқа вазифалар ҳақида ҳам сўз юритилди.

Партия ўз олдига аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш ва фуқароларнинг ижтимоий манфаатларига дахлдор бошқа масалаларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш мажбурийлигини белгилаш, ижтимоий муаммоларни ўз вақтида ҳал қилиш учун маҳаллий ва бошланғич партия ташкилотлари томонидан жойларда ижтимоий-иқтисодий вазият ва партия электорати кайфиятининг тизимли мониторингини ташкил этишни мақсад қилиб қўйди.

Қурултойда Ўзбекистонда вакиллик ҳокимияти органларини шакллантиришда ЎзХДПнинг иштирокини кенгайтириш бугунги кундаги энг асосий вазифалардан экани таъкидланди. Бунинг учун партиянинг сайловолди тарғиботини энг замонавий сиёсий технологиялар, жамоатчилик билан алоқаларнинг илғор усуллари асосида ташкил этиш, муҳим ижтимоий-иқтисодий, сиёсий масалалар юзасидан партиянинг позициясини ёритишда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш талаб этилади. Бундан ташқари, бошқа сиёсий кучлар билан рақобатда партия ғоялари, мақсад ҳамда вазифаларини қатъий ҳимоя қилиш муҳимлиги эътироф этилди.

Демократик ислоҳотларнинг чуқурлашиб бориши ҳамда фуқаролик жамияти ривожланишининг янги босқичи сиёсий партияларга талабларни янада оширди. Шундан келиб чиқиб ҳамда сиёсий ислоҳотлар натижасида юзага келган янги имкониятлар ҳар томонлама ҳисобга олиниб, сўнгги беш йилда ЎзХДП дастурий мақсадларини ҳаётга татбиқ этиш ҳамда унинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар танқидий нуқтаи назардан кўриб чиқилди.

Қайд этилдики, Ўзбекистон ХДП учун асосий сиёсий устуворлик бу — Ўзбекистонда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш, аҳоли манфаати йўлида кучли ижтимоий сиёсатни янада ривожлантириш, иқтисодий ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишдан иборат.

Сўзга чиққан делегатлар меҳнатга лаёқатли аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишнинг асосий йўналиши бу — муносиб ҳақ тўланадиган барқарор иш ўринлари яратиш ва уларнинг иш билан бандлигини самарали таъминлаш бўлиши кераклигини таъкидлашди. Бунда мустақил ҳаётга қадам қўяётган ёшлар учун касб танлаш, таълим олишда адолатли, барча учун тенг ва ижтимоий оммабоп шароитларни ҳамда ўқув юртларни тамомлаётганлар, айниқса, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари учун кафолатли биринчи иш ўрнини яратиш масалалари партиянинг асосий диққат-эътиборида бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон ХДП давлатнинг монополияга қарши тартибга солувчи ролини янада такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятга эга товарлар ва хизматлар нархларини шакллантириш устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш, аҳолига кўрсатиладиган тиббий ёрдам ва хизматлар сифати ва оммабоплигини янада ошириш, тўлов-контракт асосида таълим олаётган кам даромадли оилалардаги талабалар учун имтиёзли таълим кредитлари ажратиш тизимини янада соддалаштириш масалаларини илгари суришни мақсад қилган.

Қурултойда таъкидлаб ўтилдики, Ўзбекистон ХДП мамлакат парламенти томонидан ҳар йили тасдиқланадиган иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурини ишлаб чиқишда бундан кейин ҳам фаол қатнашади ҳамда унинг жойларда бажарилиши устидан самарали парламент, депутатлик ва жамоатчилик назоратини давом эттиради.

Партия соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, бандлик, аҳолининг ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш соҳаларида ва муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бошқа масалалар юзасидан давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари янада фаол иштирок этишини рағбатлантиришнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этишни режалаштирмоқда.

Қурултойда партиянинг олий органи ваколатларига тааллуқли бир қатор масалалар муҳокама этилди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг ўтган беш йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисобот маъқулланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси фаолияти тўғрисидаги ахборот кўриб чиқилди. Партия Марказий тафтиш комиссияси ҳисоботи тингланди. Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Сайловолди дастури, шунингдек, янги таҳрирдаги Низоми қабул қилинди, партия Марказий Кенгаши ва унинг Ижроия қўмитаси таркиби тасдиқланди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига 135 та бир мандатли сайлов округи бўйича 135 нафар номзод кўрсатилди.

Қурултой кун тартибига киритилган барча масалалар юзасидан партия олий органининг қарорлари қабул қилинди.

Қурултойдан сўнг оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Шу куни ЎзХДП Марказий Кенгашининг биринчи пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масалалар кўриб чиқилди. Ҳотамжон Кетмонов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши раиси этиб сайланди. Рустам Комилов, Улуғбек Вафоев ва Шарбат Абдуллаева Марказий Кенгаш раиси ўринбосарлари этиб сайланишди.

Шунингдек, партия Марказий тафтиш комиссиясининг ҳам биринчи йиғилиши ўтказилиб, ташкилий масалалар муҳокама этилди.

**Бекзод ШУКУРОВ**

Давоми. Бошланиши 1-бетда.



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

Хотин-қизлар Ўзбекистон Халқ демократик партияси сафида тобора етакчи кучга айланиб бормоқда



Олимпия ўйинлари чемпиони, Ўзбекистон профессионал бокс федерацияси раисининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон ифтихори, ЎзХДП аъзоси Муҳаммадқодир Абдуллаев партиямиз ғояларини фаол қўллаб-қувватламоқда.



Фаррух АЛИЕВ олган сурат.

Бугунги кунда Ўзбекистон Халқ демократик партияси 400 минг аъзосининг қарийб 33 фоизини ёшлар ташкил этади.

# ЎзХДП фракцияси: тажриба, таҳлил ва таклиф



Қурултойда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси раҳбари Улуғбек Вафоев фракциянинг 2010-2014 йиллардаги фаолияти тўғрисида ҳисобот берди.

— 2009 йилда бўлиб ўтган сайловларда Ўзбекистон ХДП кўрсатган номзодлар орасидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган **32** нафар депутат Қонунчилик палатасининг барча қўмиталари таркибида фаолият олиб борди, — деди у. — Бу даврда биз қонунлар лойиҳалари устида ишлашга алоҳида эътибор қаратдик. Партиямизнинг Сайловолди дастурида қонунчилик соҳасида белгиланган аксарият вазифалар охирига етказилди. Фракциямиз аъзолари қонунчилик ташаббуси сифатида **30** дан зиёд қонунлар лойиҳалари устида иш олиб борди ва **22** та қонун лойиҳаси тайёрланди.

Жумладан, **«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги Қонуннинг қабул қилиниши қонун ижодкорлиги ва қонунлар лойиҳалари устида иш олиб боришда сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқлари ҳамда ваколатларини кенгайтириш, қонунларни қабул қилишда уларнинг роли ва масъулиятини ошириш орқали парламент қуйи палатасида қонунчилик жараёнини янада такомиллаштиришга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, фракция раҳбари айтиб ўтганидек, беш йилда **181** марта фракция йиғилиши ўтказилиб, уларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилган **185** та қонун лойиҳаси, Давлат бюджети лойиҳаси, Бандлик дастури лойиҳаси ва уларнинг ижроси кўриб чиқилди ҳамда бошқа масалалар муҳокама этилди.

Қонунлар лойиҳаларида партиянинг дастурий мақсадлари ва электорати манфаатларини акс эттириш мақсадида фракция томонидан ЎзХДП Марказий Кенгаши ҳамда маҳаллий кенгашлари билан узвий алоқада иш олиб борилди. Натижада Қонунчилик палатасига 2010-2014 йилларда киритилган қонунлар лойиҳалари юзасидан электорат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда **1170** дан зиёд таклиф ёзма равишда тегишли қўмиталарга тақдим этилди. Бу таклифларнинг аксарияти қабул қилинаётган қонунларда ўз аксини топди.

— Мисол учун, Вазирлар Маҳкамаси томонидан киритилган «Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокамаси жараёнида ундаги айрим нормалар партиямиз дастурий мақсадларига ҳамда электорат манфаатларига тўлиқ жавоб бермаслиги аён бўлди, — деди фракция раҳбари. — Шу сабабли фракциямиз аъзолари мазкур қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни ишлаб чиқди ва масъул қўмитага тақдим этди. Биз илгари сурган таклифлар қабул қилинган қонунда ўз ифодасини топди.

**ЎзХДП фракцияси ташаббуси билан 2011, 2012, 2013 йилларда Иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг ижроси, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштириш юзасидан Парламент сўрови юборилди ҳамда Қонунчилик палатаси мажлисларида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ҳисоботлари эшитилди.**

Мамлакатимиз ҳудудларида ушбу йўналишда амалга оширилаётган ишлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш механизмини янада такомиллаштириш бўйича фракция аъзоларининг таклифлари Қонунчилик палатасининг Қарорига киритилди.

Депутатлар таклифлари асосида мазкур дастур йилдан йилга такомиллашиб бораётгани, хусусан, унга касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ҳамда хорижда ишлаб қайтган фуқароларни ишга жойлаштириш бўйича алоҳида бандлар киритилганини таъкидлаш жоиз.

**2011 йилнинг 14 декабрь куни фракциямиз ташаббуси билан ижро этувчи ҳокимият органларининг соғлиқни сақлаш соҳасини ислоҳ қилиш ва унда сифат ўзгаришларини таъминлашга доир фаолиятини ўрганиш мақсадида Парламент эшитуви ўтказилди. Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашнинг аҳволи: муаммолар ва ривожланиш истиқболлари» тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарининг ҳисоботи тингланди.**

Парламент эшитуви олдидан депутатлар жойларда ижро ҳокимияти идораларининг бу борадаги фаолиятини ўрганиб чиқди. Эшитув жараёнида фракция аъзолари томонидан партия электорати манфаати билан бевосита боғлиқ кўплаб долзарб масалалар кўтарилди, ушбу соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган ҳолатларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар берилди ҳамда ушбу таклифлар Қонунчилик палатасининг Қарорида ўз ифодасини топди.

— Фракция фаолиятининг яна бир муҳим йўналиши, бу — депутатларнинг ўз сайлов округларида олиб бораётган ишларидир, — деди У. Вафоев. — Фракция аъзолари 2010-2014 йиллар давомида сайловчилар билан 2500 мартадан ортиқ учрашув ўтказди ва уларда **321766** нафар фуқаро иштирок этди. Учрашувларда сайловчилар қонунларни такомиллаштириш ва янги конунлар қабул қилиш бўйича таклифлар билдирди. Шу асосда депутатларимиз айрим қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича иш олиб борди.

Фракция фаолиятида ютуқлар билан бирга тўлиқ фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжудлигига эътибор қаратилди. Аввало фракциямизнинг Қонун ижодкорлиги фаолиятини янада такомиллаштириш керак. Конституциямизнинг 83-моддасига асосан 8 та субъектга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилган. Агар таҳлил қиладиган бўлсак, энг кам қонун ташаббуси билан чиққан субъект бу Қонунчилик палатаси депутатлари ҳисобланади. Биз бу йўналишдаги фаолиятимизда яхлит бир тизим шакллантира олмадик.

Бугунги кунда қонунлар ва меъёрий ҳужжатларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар ва сиёсий партиялар фракцияларига жуда катта имкониятлар берилган. Албатта, ЎзХДП фракцияси ундан самарали фойдаланишга ҳаракат қилди. Лекин, бу ҳозирги талабга жавоб беролмайди. Шу билан бирга, электорат ўртасида қонунларни муҳокама қилиш амалиётини янада такомиллаштириш керак. Яъни, Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган қонунлар лойиҳаларида электорат манфаатларини тўлиқ акс эттириш мақсадида жойларда ўтказилаётган тадбирлар кўламини кенгайтириш лозим. Шунингдек, қонунлар лойиҳалари устида ишлашга экспертлар, олимлар ва мутахассисларни жалб қилиш амалиётини танқидий қайта кўриб чиқиш талаб этилмоқда.

Фракциямизнинг назорат-таҳлил фаолиятини ҳам янада кучайтириш зарур. Биз ҳар йили бир ёки иккита долзарб ижтимоий масалани парламент эшитувига киритдик. Лекин, бу етарли эмас. Партиямиз электоратини қийнаётган, ечимини кутаётган муаммолар бор. Ушбу масалаларни ҳал қилиш учун партиямизнинг имкониятларидан унумли фойдаланиш керак.

Сиёсий партиянинг жамиятдаги ўрни ва обрўси кўп жиҳатдан унинг парламентдаги фракцияси фаоллиги ва ташаббускорлигига боғлиқ. Чунки, партия ўз дастурий мақсадларини, сайловчиларининг ҳоҳиш-иродасини парламент томонидан қабул қилинадиган қонунлар ва бошқа хужжатларда акс эттириш орқали рўёбга чиқаради.

Шунинг учун келгусида шаклланадиган фракциямиз Қонунчилик палатасида партиямиз ғояларини рўёбга чиқаришда шу вақтгача тўпланган тажрибадан унумли фойдаланиб, хато ва камчиликларимиздан тўғри хулоса чиқарган ҳолда самарали фаолият олиб боришига ишонч билдирамиз.

Ютуқлар ўзимизники, аммо камчиликлар сабабини жиддий ўрганиб, тегишли хулосалар чиқариб олмоқ керак... Биринчи галдаги вазифа сайловларда муваффақиятли қатнашишдир

# Сўз — қурултой делегатларига



**Маҳмуд ТОИРОВ,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси, Ўзбекистон халқ шоири:**

— Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида мустаҳкамлаб қўйилган сайловларнинг даврийлиги ва мажбурийлиги, адолатлилиги ва эркинлиги принциплари, уларнинг умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилиши, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишни таъминлаш, сайловларни жамоатчилик ва халқаро кузатувчилар иштирокида ўтказиш механизмлари Ўзбекистон сайлов тизими демократик тамойилларга тўла мослигини кўрсатади.

Бугунги кунда сиёсий партиялар мамлакатнинг тараққиёт стратегиясига нисбатан ўзининг аниқ позициясига эга бўлиши, демократик ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, жадаллаштириш борасида муқобил таклифларини илгари суриши зарур. Бунинг учун имкониятлардан тўла фойдаланиш талаб этилади.

Шу боис ЎзХДПнинг зиёлилардан иборат тарғибот гуруҳлари ҳар бир сиёсий тадбирни аниқ амалий мақсадлар билан ҳамоҳанг олиб бормоқда. Партия ғояларини тарғиб қилиш учун халқ орасида обрў-эътиборга эга кишилар, таълим, тиббиёт соҳаси вакиллари, журналистлар, сиёсатшунос олимлар, санъаткорлар, руҳшунослар вакиллари танлаб олинган. Шу билан бирга, мазкур тарғибот ишларида ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига, улар орасида турли зарарли ғояларнинг тарқалишига қарши курашишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Сайловлар жараёнида партия электорати билан янада фаолроқ ишлаш, уларнинг манфаатини ҳимоя қила оладиган аъзо ва хайрихоҳлар сонини кўпайтириш, ўтказилаётган тадбирлар таъсирчанлигини оширишга эътибор қаратиш талаб этилади. Шунингдек, фаол аъзолар орасидан сайлов жараёнларида партия томонидан кўрсатиладиган номзодлар учун курашадиган ваколатли ва ишончли вакилларни саралаб олишга жиддий эътибор бериш лозим. Улар ёрдамида сайловларга тайёргарлик кўриш, номзодларнинг сайловолди чиқишларини ташкил этиш, янги Сайловолди платформасини кенг тарғиб этиш зарур, деб ўйлайман.



**Сафар ОСТОНОВ,**
**«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари Бош муҳаррири:**

— Бугунги кунда дунёдаги бирон-бир сайлов кампаниясини сайловолди тарғиботисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бунда сиёсий партиялар фаолияти, ғояси, дастурлари, сайлов жараёнлари тўғрисида жамоатчиликка ахборот берилади. Депутатликка номзодлар шахси, уларнинг дастурлари билан одамлар таништирилади. Ана шу жараёнда сайловчилар қайси сиёсий партия ғоясини қўллаб-қувватлашни, кимга овоз беришни белгилаб олади. Аниқроқ айтганда, сайловолди тарғиботи сиёсий партиялар ва уларнинг номзодлари ҳақида жамоатчилик фикрини шакллантиради.

Тажрибадан маълумки, бирорта сиёсий партия, бирорта сиёсатчи оммавий ахборот воситаларига таянмасдан туриб, муваффақиятга эриша олмайди. Одамларнинг сиёсий партия ёки депутатликка номзодга муносабати кўп жиҳатдан тарғиботга боғлиқ.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда сайлов жараёнларини оммавий ахборот воситаларида холис, адолатли, тезкорлик билан эркин ёритиш учун барча ҳуқуқий асослар яратилган.

Маълумки, сайловолди тарғиботида, сиёсий курашлар жараёнида сиёсий партиянинг энг яқин ёрдамчиси, ишончли таянчи унинг матбуотидир. Зеро, сиёсий партия матбуоти партия фаолияти, ундан кўрсатилган номзодлар тарғиботини чекланмаган миқдорда ёритиш имкониятига эга.

Ўзи мансуб бўлган партия ғояларининг бошқа партиялар илгари сураётган ғоялардан афзаллигини, ҳаётийлигини ҳам айнан ўша партия матбуоти кенг тарғиб қилади, партия манфаати учун курашади. Халқ демократик партияси сайловолди тарғиботи бўйича бошқа партияларга кўра каттароқ имкониятга эга. Чунки республика миқёсида икки тилда — «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳафтада тўрт марта нашр этилади. ЎзХДПнинг Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоят кенгашлари муассислигида тўртта газета чоп этилмоқда. Уларнинг умумий нусхалари ҳам бошқа сиёсий партиялар газеталарига қараганда бир неча бор юқори. Ҳамма гап — бу имкониятлардан сайлов кампанияси даврида қандай фойдаланишимизда. Партиямизнинг бошланғич ташкилотларидан тортиб барча фаоллари, депутатларимиз сайловдан сайловгача бўлган жараёнда амалга оширган ишларни кенг тарғиб қилиши, партиямизнинг янги Сайловолди Дастурининг ҳаётий аҳамияти ҳақида партия матбуотида чиқишлар қилишлари мақсадга мувофиқдир.

Партиямиздан депутатликка номзоди кўрсатилганларнинг дастурларини замонавий услубларда кенг ва таъсирчан ёритиш масалалари устида ҳам чуқур ўйлашимиз керак. Сайловолди тарғиботи ишлари қандай бўлиши сайлов натижаларини белгилаб беришини унутмаслигимиз лозим.



**Мехриноз АББОСОВА,**
**Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, ЎзХДП фаоли:**

— Мен бугунги кўппартиявийлик шароитида ўз сиёсий эътиқодини айнан Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан боғлаган, унинг дастурий мақсадларини қўллаб-қувватлаган ва амалга оширишга аҳд қилган ёшлар вакили эканимдан бахтиёрман.

Ўзбекистон ХДП томонидан ёшларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини юксалтириш мақсадида амалга оширилаётган ишлар тенгдошларимизнинг партияга хайрихоҳлигини янада кучайтирмоқда.

Ўтган давр мобайнида партиянинг «Истиқбол» ёшлар қаноти томонидан 50дан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Ёшлар орасида анча оммалашишга улгурган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг нуфузи ва салмоғи йилдан йилга ортиб бормоқда. Танлов иштирокчиларининг сони 2008 йилда 4000 нафарни ташкил этган бўлса, 2014 йилга келиб бу кўрсаткич 14600 нафардан ошди. Танловга тақдим этилган лойиҳалар натижасида шу йилнинг ўзида янги иш ўринлари ташкил этила бошланди. Бундан ташқари коллеж битирувчиларини иш билан таъминлашга қаратилган «Коллеждан — корхонага» ва «Бугунги талаба — эртанги мутахассис» лойиҳалари ёки ўзининг мустақил фикрига эга, сиёсий ва ҳуқуқий билимларни пухта ўзлаштирган ёшларнинг сафини кенгайтирувчи «Депутат ва ёшлар», «Бўлажак депутат» каби лойиҳалар ижобий самара бермоқда.

Шу билан бирга, қанот олдида турган бир қатор муҳим вазифаларга эътибор қаратмоқчиман. Биринчи ўринда, ёшларнинг уюшмаган қатламларини ҳам сафларимизга кенг жалб этишимиз жуда зарур. Мисол учун, турли соҳаларда катта ютуқларга эришиб келаётган иқтидорли, билимли, салоҳиятли ёшлар билан мамлакатимизнинг олис ҳудудларида истиқомат қилувчи тенгдошларимиз ўртасида жонли учрашувлар ташкил қилиниб, ёшларнинг ёшларга тарғиботи йўлга қўйилса, яхши бўларди. Шунда ёшлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, бирдамлик, уюшқоқлик янада мустаҳкамланади.

Бу ишлар партиямиз келажагига хизмат қилади.



**Саттор РАҲМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Бугунга келиб, мамлакатимизнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётида сиёсий партиялар сезиларли даражада таъсир кучига эга бўлди. Қонунчилик палатасидаги партиялар фракциялари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлар депутатлари фаолияти самарадорлиги кучайди. Натижада ижтимоий-иқтисодий жараённи чуқур таҳлил этиш, одамлар орасига кириб бориш ва жойлардаги муаммоларни ҳал этиш, бу борада аниқ таклифлар беришнинг ўзига хос механизми шаклланди.

Ўз-ўзидан савол пайдо бўлади: биз яратилган шароит ва имкониятлардан келиб чиқиб нималарга эришдик?

Аввало, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий партия кенгашлари ҳамда гуруҳлари ўртасидаги ҳамкорлик натижасида ижтимоий-иқтисодий масалаларни изчил ўрганиш, таклифлар ишлаб чиқиш йўлга қўйилди. Нафақат парламент, балки халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларида ҳам партиявий позицияни билдириш, ҳимоя қилиш кўникмаси шаклланди. Бу ижро ҳокимияти органларининг масъулиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Лекин ҳудудий ривожланиш дастурларининг очиқлигидан етарли даражада фойдалана олмаяпмиз. Электорат манфаатлари билан боғлиқ муаммоларни туман, шаҳар, вилоят ва парламент даражасида тизимли муҳокама қилиш амалиётини ҳали анча ривожлантириш зарур. Ҳозиргача биргина Бандлик дастури ижроси бўйича бу борада муайян натижаларга эришдик. Ваҳоланки, ечимини кутаётган муаммолар ижросини назорат қилишимиз, таклифлар беришимиз зарур.

Депутатларимиз орасида катта ҳаёт тажрибасига эга, турли соҳаларда самарали фаолият кўрсатаётган инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Аммо дастурий мақсадларимизни амалга оширишда улар салоҳиятидан, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари ҳамда парламентдаги фракциямиз кучидан тўлиқ фойдалана олмадик. Қурултойда бу борадаги бошқа камчиликлар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида қатор фикр-мулоҳазалар, таклифлар берилди. Улар келгусида партия гуруҳлари ва фракциянинг ҳамкорлик механизмини такомиллаштиришда асқотади, деб ўйлайман.



**Матлубахон ТЎЙЧИЕВА,**
**ЎзХДП Бўз туман кенгаши раиси:**

— ЎзХДП Бўз туман кенгаши сайлов жараёнларига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида партия аъзолари ва электорат вакиллари орасида сайлов қонунчилигини кенг тарғиб қилиш, партиямиз дастурий мақсадларини тушунтириш борасида муҳим ишларни амалга оширди. Айниқса, сайлов жараёнида аниқ натижага эришиш учун, энг аввало, бошланғич ташкилотлар билан ишлаш, партия сафини янада кенгайтиришга алоҳида этибор қаратилди.

Шуни таъкидлашни истардимки, сиёсий партиялар олдида турган муҳим вазифалар ижроси кўп жиҳатдан бошланғич ташкилотлар фаоллигига боғлиқ. Бошланғич ташкилот партиянинг асосий таянчи бўлиб, унинг фаоллиги кўплаб долзарб масалалар ечимига хизмат қилади. Шуни инобатга олган ҳолда, туман кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар фаолияти қайта ўрганилди ва янада такомиллаштирилиб, партияга қабул қилиш ишлари сезиларли даражада кучайтирилди. Хусусан, кейинги бир йил давомида 300 нафардан ортиқ фуқаро партия сафига қабул қилинди. Шу билан бирга, бошланғич партия ташкилотлари фаолияти механизми таҳлил этилиб, улар иши мувофиқлаштирилди. Натижада бошланғич ташкилотлар сони 36 тага етди.

Бошланғич партия ташкилотларида тарғибот ишларининг таъсирчан ва тезкорлигини таъминлашда ахборот-маърифат хоналари имкониятларидан самарали фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз. Ҳозирда Ахборот-маърифат хонасида 300 дан ортиқ сиёсий, маънавий-маърифий адабиётлар мавжуд. Ушбу хона компьютер технологиялари билан таъминланган бўлиб, интернет тармоғидан фойдаланиш имконияти мавжуд. Бобур номли вилоят ахборот-кутубхона маркази кўмагида электрон китоблар базаси ҳам шакллантирилди ҳамда электрон кутубхона ташкил этилган. Бу имконият сайлов тўғрисидаги ҳуқуқий меъёрлар ва партиямизнинг дастурий мақсад-вазифаларини электрон шаклда барча бошланғич ташкилотларда тарғибот қилишда қўл келмоқда.

Аммо тўлиқ фойдалана олмаётган имкониятларимиз ҳам мавжуд. Жумладан, бошланғич ташкилотлар жойларда партиямиз ғоявий мақсадларини тарғиб қилиш билан биргаликда электоратни ташвишга солаётган муаммоларни аниқлаши, таҳлил қилиши ва уларни бартараф этиш йўллари юзасидан депутатлик корпуси билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтириши лозим. Қаерда иш ана шундай ташкил этилган бўлса, ўша жойда партиянинг нуфузи ошади. Шу боис бошланғич ташкилотларга амалий ёрдам кўрсатиш долзарб вазифа ҳисобланади.



**Комила КАРОМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати:**

— Кўппартиявийлик шароитида сўзимиз, амалий ишларимиз билан сайловчилар ишончини қозона олдикми, электоратни рози қила олдикми? Бизга хайрихоҳлар сафини қай даражада кенгайтирдик?..

Ушбу қурултой арафасида шулар ҳақида ўйлаб, хулосалар чиқаришга ҳаракат қилдим. Назаримда, энг муҳим вазифалардан бири бўлган хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларга ҳар томонлама кўмаклашиш масаласи партиямиз диққат марказида бўлди.

Айни пайтда партиямиз аъзоларининг 180 мингга яқинини хотин-қизлар ташкил қилади. Ўтган давр мобайнида ЎзХДПнинг барча бўғинларида ташкил этилган «Фаол аёллар» қаноти ўз атрофига маслакдошларини бирлаштира олди. Жойларда хотин-қизларни қизиқтирган масалалар ўрганилиб, таҳлил этилди. Уларнинг ижтимоий ҳимояси, турмуш тарзини юксалтиришга хизмат қиладиган ташаббуслар олға сурилди. Партиямиздан сайланган аёл депутатларимиз ташкилотчилиги ва жонкуярлиги билан хотин-қизларни иш билан таъминлаш, уларга янги касб-ҳунар ўргатиш, қишлоқларда соғлом турмуш тарзини яратиш борасида ҳам муҳим лойиҳалар амалга оширилди.

Лекин ҳаёт фаолиятимизга танқидий ёндашиб, хулоса чиқаришни талаб этмоқда. «Фаол аёллар» қаноти кўпроқ марказий ҳудудлардагина иш олиб боряпти. Туман, бошланғич ташкилотлар кесимида қанотнинг ташкилотчилиги, таъсир кучи талаб даражасида эмас. Хотин-қизларга ҳар томонлама имкониятлар берилаётган пайтда бу каби камчиликларга асло йўл қўйиб бўлмайди. Ишчанлик, ташаббускорлик руҳини қуйи бўғинларга етказа олмаяпмиз.

Фикримча, салоҳиятли, энг муҳими, ўз ишига фидойи аёл етакчиларни кўпайтириш керак. «Фаол аёллар» қаноти сайловлар даврида бор имкониятларини ишга солиб, партиямизнинг бу муҳим сиёсий жараёнда самарали иштирок этишига катта ҳисса қўшади, деб ўйлайман.



**Алишер ТОШМАТОВ,**
**ЎзХДП Сирдарё вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари:**

— Сирдарё вилоят партия ташкилотлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳисобот даврида Сайловолди дастури ижросини таъминлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасида тизимли фаолият олиб боришди.

Халқ депутатлари Сирдарё вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзХДП гуруҳлари томонидан 29 масала партия гуруҳларида, 13 масала доимий комиссияларда, 19 масала сессияларда муҳокама этилди. Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ташаббуси билан сессияларда мансабдор шахсларнинг ҳисобот ва ахборотларини эшитиш изчил йўлга қўйилди.

Албатта, бу рақамлар зиммамиздаги вазифаларни тўлақонли адо этдик, дейишимизга асос бўла олмайди. Шу боис фаолиятимизни янада кучайтириш зарур, деб ўйлайман. Партия гуруҳлари кўп ҳолларда ижтимоий йўналтирилган давлат Дастурлари ижросини мониторинг қилиш билан чегараланиб қолди. Ваҳоланки, бу борада муқобил лойиҳалар тайёрлаш, унда партиямиз электорати дуч келаётган масалалар, муаммоларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Жамоатчилик қабулхоналари фаолиятида барча даражадаги партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларининг иштирокини таъминлаш зарур. Мисол учун, аҳоли мурожаатларини таҳлил қилиб, ҳудудлар учун хос бўлган масалаларни умумлаштирган ҳолда, юқори партия ташкилотларига олиб чиқиш лозим. Бошланғич партия ташкилотларимиз фаолият кўрсатадиган корхоналарда эса ишчиларнинг меҳнат шароити, ижтимоий ҳимояси қандайлигини ўрганишимиз ёки маҳалла фуқаролар йиғинларида эҳтиёжманд оилаларнинг ижтимоий нафақа олиши ҳолатини мониторинг қилиб бориш жойлардаги муаммолар бўйича аниқ ечим топишга кўмаклашади.

Ушбу масалаларни ҳал этиш йўлларини барча манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда муҳокама қилиш, вилоят, туман, шаҳар Кенгашларидаги доимий комиссияда, зарур бўлса, сессияда кўриб чиқиш талаб этилади. Шу орқали халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзоларининг ўз сайлов округларидаги фуқаролар мурожаатлари билан ишлашини янги босқичга кўтариш мумкин, деб ҳисоблайман.

Шунингдек, қурултойда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Абдуғаффор Қирғизбоев, Шуҳрат Турсунбоев ҳамда ЎзХДП Тошкент вилоят кенгаши раиси ўринбосари Меҳрож Дархоновлар ҳам сўзга чиқиб, кун тартибидаги масалалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

## Бўлғуси ватан ҳимоячилари

### муддатли ҳарбий хизматга бориш учун махсус синов ва танловлардан ўтмоқда

**Айни кунларда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида муддатли ҳарбий хизматга бориш учун махсус синов ва танловлар ўтказилмоқда. Бу жараёнга бўлажак аскарларнинг саломатлиги, жисмонан бақувватлиги ва интеллектуал билимига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

— Истиқлол йилларида ватанни қўриқлаш фарзандларимизнинг эзгу мақсадига айланди, — дейди **Денов туман Мудофаа ишлари бўлими бошлиғи, подполковник Зокиржон Мусаев.** — Ўз истак ва хоҳиши билан йигитлик бурчини адо этишга бел боғлаган ўғлонлар сони йил сайин ортаётгани бунинг ёрқин исботидир.

— Чегарачи бўлиш ёшликдаги орзуим, — дейди **чақирилувчи Ҳамид Дониёров.** — Шу боис мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланаман. Тарихий-бадиий адабиётларни ўқиш севимли машғулотим. Қуролли Кучларимизда рўй бераётган ўзгаришлар, мамлакатимиздаги иқтисодий ва сиёсий ислоҳотлардан хабарим бор. Дастлабки тиббий кўрик, жисмоний тайёргарлик ва синовлардан муваффақиятли ўтдим...

**Абдумалик ҲАЙДАРОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири.**

**ОБ-ҲАВО** **7-8.11 — 2014**

**Юртимиз бўйлаб (°С)**

| | | |
|---|---|---|
| **Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти** | | |
| -2 / -7 | -2 / +3 | |
| **Бухоро ва Навоий вилоятлари** | | |
| -2 / -7 | -2 / +3 | |
| **Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари** | | |
| -3 / +2 | +3 / +8 | |
| **Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари** | | |
| 0 / +5 | +3 / +8 | |
| **Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари** | | |
| -3 / +2 | +3 / +8 | |
| **Тошкент шаҳри** | | |
| -1 / +1 | +3 / +5 | |



**Дунё бўйлаб (°С)**

| | |
|---|---|
| Лондон | +12 / +13 |
| Париж | +13 / +14 |
| Москва | +6 / +8 |
| Мадрид | +14 / +17 |
| Пекин | +9 / +13 |
| Канберра | +27 / +29 |
| Рим | +20 / +19 |
| Афина | +22 / +21 |
| Токио | +20 / +17 |
| Стокгольм | +3 / +4 |
| Кейптаун | +29 / +27 |
| Қоҳира | +26 / +27 |
| Гавана | +28 / +28 |
| Вашингтон | +19 / +13 |

Меҳнат фахрийси **Виктор Алексеевич ХАЙДУРОВ**нинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия билдирамиз.

**Бир гуруҳ дўстлари.**

MUASSIS:
O‘ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY’ATI:

Abdulla ORIPOV, Hotamjon KETMONOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Rustam KAMILOV, Sharbat ABDULLAYEVA, Ulug‘bek MUSTAFOYEV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ochilboy RAMATOV, Saidahmad RAHIMOV, Farrux HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o‘rinbosari), Tat’yana KISTANOVA (Bosh muharrir o‘rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko‘chasi, 32-uy.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1159
11112 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O‘zA yakuni — 23.15
Topshirilgan vaqti — 02.30
Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Toshtemir XUDOYQULOV
Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV, Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7633
1 2 3 4 5